

ШАРТНОМА № 11

2022 йил 13 январь

Избоскан туман

Бизларким куйида имзо чекиб ўзаро шартнома тузувчилар бир томондан "IMRONA CHICKEN MCHJ" номидан низом асосида ишловчи **А.Мамаджанов** келгусида «Таъминотчи» деб номланади ва иккинчи томондан Избоскан туман мактабгача таълим бўлими номидан низом асосида ишловчи Н.Қобилова унинг раҳбари келгусида «Истеъмолчи» деб номланиб, куйидаги мазмунда шартнома туздик.

1. ШАРТНОМА МАЗМУНИ

1.1 «Таъминотчи» ўзига тегишли бўлган ва келишилган куйидаги молларни етказиб беради, «Истеъмолчи» эса ушбу молларни қабул килиб олиб хисоб - китоб қиласди.

1.2. Товарнинг номи, миқдори ва нархи куйидагича :

(сўмда)

№	Махсулот номи	Лот №	Ўлчов бирлиги	Миқдори	Нархи	Умумий қиймати
1	Товук гўшти		кг	4209	19000	79914000
2	Пишлок		Кг	580	24000	13920000
Жами :				4786	x	93 834 000,0

Шартноманинг умумий суммаси : 93 834 000,0 (Тўқсон уч миллион саккиз юз ўттиз тўрт минг) сўм.

Шундан бюджет маблағлари хисобидан : 93 834 000,0 (Тўқсон уч миллион саккиз юз ўттиз тўрт минг) сўм.

Бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан: _____ (_____) сўм.

2. ТОВАР МАХСУЛОТНИНГ СИФАТИ

2.1. Етказиб бериладиган товар махсулотнинг сифати Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига асосан етказиб бериладиган товар ва моддий қийматликлар учун белгиланган ГОСТ ва бошқа меъёрларга мувофиқ бўлиши хамда сифат сертификатидан ўтказилган бўлиши лозим.

3. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ХИСОБ- КИТОБ ТАРТИБИ

3.1. Хисоб китоб «Истеъмолчи» томонидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

3.2. Шартнома кучга кириб, тегишли Ғазничалик бўлинмасидан рўйхатдан ўтиб, бюджет маблағлари хисобидан бўлса Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳқамасининг 414-сонли қарори билан белгиланган тўловлар кетма-кетлигига, бюджетдан ташқари маблағлар хисобидан бўлса шахсий хисоб варагдаги қолдиққа асосан 5 банк иш кунида «Истеъмолчи» етказиб бериладиган махсулотларнинг умумий суммасини 30 % изини олдиндан аванс тарикасида «Таъминотчи» нинг хисоб рақамига ўтказиб беради.

3.3. Қолган охирги 70 % изини 3.2 банддаги шартларга асосан «Таъминотчи» томонидан етказиб бериладиган махсулотларнинг тасдиқловчи хисобварак-фактуралари асосида маблағ 5 банк иш кунида ўтказиб беради.

3.4. «Истеъмолчи» томонидан 30 % олдиндан амалга оширилгандан сўнг «Таъминотчи» 10 банк иш куни давомида мазкур шартномада кўрсатилган миқдорда ва нархларда Давлат стандарти гигиена талабларига жавоб берадиган, махсулотларни «Истеъмолчи» га етказиб беради.

4. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1 «Таъминотчи» куйидаги хуқукларга эга.

- Етказиб берилган товар махсулоти олдиндан хақ тўлаши ва тегишли конун харажатларида белгиланган тартибида ва хажмда узил-кесил хисоб қилишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

- Берилган буюртмага мувофиқ етказиб берилган товар махсулотини қабул қилиш асосиз рад этилиши натижасида етказилиши зарар қопланишини бюджет ташкилотидан талаб қилиш;

4.2. «Таъминотчи» куйидагиларга мажбур:

-Бюджет ташкилотига товар махсулотини мазкур шартномага асосан ёки бюджет ташкилоти томонидан мазкур шартноманинг 5.5. бандида назарда тутилган тартибида бериладиган унинг буюртмасига асосий белгиланган муддатларда сифат ва миқдорида етказиб бериш:

-Агар товар махсулотини етказиб борувчи шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йул қўйган бўлса бюджет ташкилотини талаби билан аниқланган барча камчиликлар 3-кун муддатда бепул бартараф этиш, алмаштириш:

4.3. «Истеъмолчи» нинг хуқуклари:

-Етказиб берувчидан амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив хужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш.

Етказиб берувчидан мазкур шартнома асосида бериладиган буюртмага мувофиқ тегишли сифат ассортиментдаги товар махсулотини етказиб беришни талаб қилиш,

-Мазкур шартнома шартлари бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини етказиб берувчидан талаб қилиш;

4.4. «Истеъмолчи» мажбуриятлари :

-Ўз буюртмаси буйича етказиб берилган товар махсулотини мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;

5. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

5.1. Шартнома конун хужжатлари шартлари ва талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши шарт. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа шартнома бажарилган хисобланади.

5.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йул куйилмайди. Конун хужжатларда белгиланган холлар бундан мустасно.

5.3. «Истеъмолчи» нинг розилиги билан товар махсулот муддатдан олдин етказиб берилиши мумкин.

5.4.«Истеъмолчи» муддатлари бузилган холда етказиб берилган товар махсулотини қабул қилишини рад этишга хақли.

5.5. Етказиб берилган товар махсулот бевосита «Истеъмолчи» нинг маъсул ходими томонидан хисоб фактура асосида қабул қилинади.

5.6. Мазкур шартномада назарда тутилган товар махсулот бевосита «Истеъмолчи» нинг буюртмасида кўрсатилган муддатлар ва хажмда мазкур шартномада кўрсатилган давр мобайнида амалга оширилади.

3.7. «Истемолчи» илгари берилган буюртманомани бекор килишга ёхуд товар маҳсулотининг тегишли туркумларини етказиб бериш санасини ўзгаришига хақлидир, бу хақда «Таъминотчи»нинг буюртманомасида кўрсатилган сана бошланишидан камидан 1 – кун олдин хабардор қиласи.

6. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 6.1 Етказиб бериладиган товар-маҳсулоти сифати, миқдори «Таъминотчи» томонидан нотўғри аниқланиши, уларнинг қиймати нотўғри белгиланиши ва ундириш холлари аниқланган тақдирда “Таъминотчи” етказиб берилаётган товар маҳсулотининг сифатини шунингдек миқдорини хисобга олган холда кайта хисоб-китоб қиласи ва хисоблаб чиқилган ушбу суммадан ташкари «Истемолчи»га нотўғри хисоб-китоб килинган сумманинг **20 %** миқдорида жарима тўлади.
- 6.2 Агар етказиб берилган товар маҳсулотининг сифати, ассортименти, навлари, стандарт техник шартлар талабларга ёки шартномада белгиланган бошқа шартларга жавоб бермаган тақдирда айбордor томон етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган товар маҳсулот қийматининг **20 %** миқдорида жарима тўлади.
- 6.3. Товар- маҳсулотини етказиб бериш кечикирилган ёки тўлиқ етказиб берилмаган тақдирда «Таъминотчи» «Истемолчи»га кечикирилган хир бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг **0,5 %** миқдоридан пея тўлади. Бироқ, бунда пеянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товар маҳсулот қийматининг **50 %** дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 6.4. Етказиб берилган товар маҳсулот учун ўз вақтида ҳақ тўланмагандан «Истемолчи» «Таъминотчи» га муддати кечикирилган хар бир кун учун кечикирилган тўлов суммасининг **0,4 %** миқдорида пея тўлади, бироқ кечикирилган тўлов суммасининг **50 %** дан ортиқ бўлмаслиги керак.
- 6.5. Мазкур шартномада назарда тутилган томонларнинг жавобгарлиги чора-тадбирлари фуқоролик қонунчилиги нормаларига мувоффик кўпланилади.

7. ФОРС - МАЖОР

7.1. Томонларга боялини булмаган сабабларга кура ва енгиг булмас куч мавжуд булган тақдирда ушбу шартномада курсатилган мажбуриятлар буйича жавобгар эмас. Фавкулодда тусдаги холатларгаб: ёнгин, сув тошкини, ер кимирилаши ва бошқа табиий оғатлар харбий харакатлар, хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг карорлари, агар тегишли ҳужжатлар билан тасдиқланган тақдирда мажбурият бажарилмаганлиги учун томонлар жавобгарликдан озод этилади.

7.2. Юкоридаги холатлар юзасидан дархол хабарнома юборилиши мажбурийдир.

8. НИЗОЛARNI XAL ЭТИШ ТАРТИБИ

- 8.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда томонлар қоидага кўра мустакил равишда улар судгача хал этиш чораларини кўрадилар.
- 8.2. Томонларнинг келишмовчиликлари ва низолари 8.1 банд бўйича хал этилмаса, бевосита судга мурожаат килишга хақлидир.
- 8.3. Шартнома шартлари бузилиб, ўзаро келишувга эришилмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси қонувлари асосида иктисадий суд орқали хал қилинади.

9. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

- 9.1. Агарда бир томондан шартларни бажара олмаслиги ёки маҳсулот сифати миқдори ва суммаси тўғрисидаги ўзгариш бўлса, олдиндан ўзаро келишувга асосан ўзгариши киритилади.
- 9.2. Форс мажор холатида шартнома бузилса, ўзаро келишиб олинади.
- 9.3. Шартнома томонлар имзолаб, тегишли худудий Фазначилик бўлинмасида рўйхатга олинган кундан кунга кириб, **2022 йил 31 декабргача** амал қиласи.
- 9.4. Шартнома **2** нусхада тузилиб, иккала нусхаси хам хуқук жихатидан тенг кучли хисобланади.

10. ТОМОНЛАР БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛГОХЛАРИ.

«Етказиб берувчи»

“IMRONA CHICKEN MCHJ”

МФО: 00059 , СТИР: 306398759

Хисоб рақами: 20208000405072162001

Банк Номи «АТ Алоқа Ипотека банк»

Манзили: Андижон шахар 5 кичик даҳаси

Тел: +998916011100

Рахбар:

А . Мамаджанов

“Истемолчи”

Избоскан туман мактабгача таълим булими

Манзил: Избоскан туман Пойтуг шаҳар Накшбанд
кучаси

Банк маълумотлари: х/р : 2340 2000 3001 0000 1010

х/р: 100022860032147091100251024

СТИР: 305158448

МФО: 92400

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш

Тел: +998996020079



Рахбар:

Н . Қобилова